


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 3 май, № 86 (6016) Шанба


## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Навоий шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент ва Навоий вилоятлари ҳудудий бошқармалари ҳамда Хитой давлатининг “SSK textile machinary” халқаро савдо компанияси иштирокида кўргазма-савдо ташкил этилди.*

### Ўзаро алоқалар кенгаймоқда

Тадбирда, шунингдек, Тошкент шаҳридаги қурилиш ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари, электроника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам ўз маҳсулотларини намойиш қилишди.

— Қурилиш учун ранг-баранг бўёқлар ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз, — дейди пойтахтимиздаги “Mir Lyuks Kraska” масъулияти чекланган жамияти директори Илҳом Ризаев. — Келгусида канцелярия бўёқларини ҳам тайёрлаш ниятидамиз. Бугунги кўргазма-савдода навоийлик тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Кўргазма давомида “SSK textile machinary” халқаро савдо компанияси томонидан тақдим этилган пайпоқ ва қўлқоп тўқиш ҳамда тикувчилик дастгоҳлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Пировардида навоийлик тадбиркорлар мазкур компания билан ҳамкорлик келишувига эришдилар. Шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ўртасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Оилавий бизнес барака келтирди

*Андижон шаҳрининг Иттифоқ маҳалласида яшовчи Муқаддам Сатторова бошлиқ оилавий тадбиркорлар ўтган йили бир миллион дона трикотаж маҳсулотлари тайёрлаб, улгуржи бозорга чиқаришган эди.*

Жорий йилда ушбу кўрсаткични бир ярим миллион донага етказиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда жамоа аъзолари мавжуд тикув дастгоҳлари сонини яна 15 тага кўпайтиришди.

Айни пайтда Муқаддамхонга қизи Дилдорахон, келинлари Нилуфархон, Гуласал ва Шаҳнозахон яқиндан кўмак бераяпти. Ўтган йили тайёр маҳсулотга турли безак ва суратлар солувчи замонавий ускуна харид қилиниши билан жамоа сафига тадбиркор аёлнинг ўғиллари ҳамда куёви қўшилди.

— Маҳалламизда ҳунармандчилик ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган оилалар талайгина, — дейди М. Сатторова. — Хонадонида косибчилик, новвойлик, қандолатпазлик, мебелсозлик фаолиятини йўлга қўйиб, рўзғорига барака киритаётганлар ҳам оз эмас. Албатта, бу турмушимиз фаровонлиги тобора юксалиб бораётганини англатади.

Айни вақтда хонадон соҳиблари пойтахтлик истеъмолчилар буюртмаси асосида болалар учун янги кийимлар туркумини тикиш билан банд.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Махсус дастур асосида бошқарилади

*Қарши шаҳридаги “Давр зийнати” хусусий корхонасига ўрнатилган технологияларни бошқариш учун деярли меҳнат талаб қилинмайди.*

Чунки бу ерда иш жараёни компьютерлаштирилган дастурлар ёрдамида бажарилади. Оператор эса фақат маҳсулот сифатини назорат қилади, ускуналарнинг бир маромда ишлашини кузатади. Натижада илғор қурилмалар соатига 6 минг дона музқаймоқ тайёрлаб, бежирим қадоқларга ўрайди.

— Лойиҳамизни рўёбга чиқаришда банкнинг молиявий мадади қўл келди, — дейди корхона раҳбари Ўктам Очилов. — Ажратилган кредит ҳисобига Хитойдан 252 минг АҚШ долларилик технологик линия келтирдик. Ҳозир харидорларга 20 турдаги маҳсулотимизни тақдим этаяпмиз. Нафақат Қашқадарё, балки қўшни вилоятларда ҳам буюртмачиларимиз сафи кенгаймоқда. Ёз мавсуми бошланиши билан ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширамиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




www.xs.uz

«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

**Тижорат сирининг ҳуқуқий кафолати**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан “Тижорат сири тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово


**Модернизация:**

# ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, “Соғлом бола йили” Давлат дастурида юртдошларимиз ҳаёт даражаси, турмуш фаровонлигини янада юксалтириш энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Буни аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида қилинаётган эзгу ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*





ИСЛОҲОТ

***СУРАТДА:** “Туямўйин — Нукус” минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси биринчи участкаси операторлари Ригал Мирзабеков ва Ғайрат Бобониёзов.*

— Фаолиятимиз Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлари аҳолисини марказлашган ҳолда ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган, — дейди “Туямўйин — Нукус” минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси бош муҳандиси Камол Авезов. — Бунда тасарруфимиздаги 1 минг 721,1 километрлик магистрал сув тармоқлари, 27 та сув иншооти ҳамда 12 та сув тақсимлаш шохобчасида модернизация ва реконструкция ишлари ўз вақтида бажарилаётгани қўл келмоқда. Мазкур жараёнда “Қорақалпоғистон Республикасини ичимлик суви билан таъминлаш ва реконструкциялашнинг 2020 йилгача бўлган стратегияси” дастуриламал бўлаётир. Жумладан, ўтган йили Манғит, Чимбой, Бўстон шаҳарлари ва Қонликўл тумани маркази аҳолисини обиҳаёт билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 2454,4 миллион сўмлик маблағ йўналтирилиб, 15,7 километрлик тармоқлар қуриб битказилди.

Дарҳақиқат, изчил фаолият юқори самарадорлик омилидир. “Туямўйин — Нукус” минтақалараро сув ўтказгичидан фойдаланиш бошқармаси жамоасининг ғайрат-шижоатини кўриб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунончи, улар саъй-ҳаракати билан жорий йилда 3 миллиард 900 миллион сўм маблағ ҳисобига 13,7 километрлик сув тармоқларини қуриш, 13,4 километрлик реконструкция ишларини бажариш кўзда тутилган. Бу эса, ҳадемай, яна 7605 нафарлик аҳоли хонадонига зилол сув манбаи кириб боради, деганидир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

## Бугунги ёшларга ҳавас қиламан

*Бугун давр бошқа, замон бошқача. Невараларим — Мустақиллик ёшларига ҳавас қиламан. Ўқиш, касб-ҳунар эгаллаш, тил ўрганиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун ҳамма шароит муҳайё этилган. Энг асосийси, юртимиз тинч, турмушимиз фаровон. Бу ҳақда ўйласам, она-Ватанга бўлган меҳрим минг чандон ошади.*

ШУКРОНА

Мана шундай мунаввар ҳаёт, обод мамлакатимизда эришилаётган муваффақиятларни кўриб, беихтиёр армонли ёшлигимни эслайман. Мактабда она тили ва адабиёти фанидан сабоқ берардим. Уруш бошлангач, ўн саккиз ёшимда, яъни 1942 йилнинг июнь ойида жангга отландим. Нималарни кўрмадик, дейсиз?! Не-не забардаст йигитлар кўз олдимизда нобуд бўлишди. Мен ҳам бир неча бор яраландим. 1945 йилнинг ноябрида Ватанга қайтдим ва мактабда иш фаолиятимни давом эттирдим. Кўп ўтмай мени Учкўприк тумани газетасига муҳаррир этиб тайинлашди. Ўттиз беш йил ушбу лавозимда меҳнат қилдим.

Ўша даврларда оддий эшик-дераза ясовчи усталар ҳам бемалол ишлай олишмасди. Бугун бўлса, ҳунар аҳли учун алоҳида шароитлар яратилиб, имтиёзлар белгиланган. Қишлоқларимизнинг чиройини айтмайсизми?! Бири-биридан муҳташам ўқув даргоҳлари, маданият кошоналари, ҳамма қулайликка эга бўлган замонавий уйлар — буларнинг барчаси халқимизнинг фаровон яшаши учун. Оиламиз тинч, фарзандларимиз эл-юрт равнақи учун меҳнат қилаяпти. Бир ота учун бундан ортиқ бахт борми? Турмуш ўртоғим билан 5 фарзандни тарбияладик. Шукрки, бугунги дориламон замонда яшаш бизга ҳам насиб этди. Бундан чексиз шукронадамиз!

Президентимизнинг Фармони билан ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида уруш ҳамда меҳнат фахрийлари моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Қолаверса, ҳар байраму улуғ айём кунлари маҳаллий ҳокимлик вакиллари, ёшлар ҳолимиздан хабар олишади, учрашув ва давра суҳбатларига чақиришади. Бундай юксак эътибордан биз, кексаларнинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Ниятим, мустақил юртимиз гуллабяшнасин, энг олий неъмат — тинч-осуда ҳаётимиз бардавом бўлсин!

**Мўйдинжон ЭРГАШЕВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**

## Ижодий изланишлар натижаси



*Кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида “Олтин қалам” IX Миллий мукофоти учун эълон қилинган халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим ўтказилди.*

«ОЛТИН ҚАЛАМ»

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий журналистлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар қатнашди.

Тантанада сўзга чиққанлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич равнақ топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиш масаласи Президентимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган “Олтин қалам” Миллий мукофоти миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадларига хизмат қилаётир. Бу галги танловга 490 нафардан зиёд журналист газета ва журналларда чоп этилган, теле ва радиоэфирга узатилган 7500 га яқин ижодий иши билан қатнашди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича совриндорлари диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва пул мукофотлари билан тақдирланди.


(Давоми 2-бетда).


ИФТИХОР

*Президентимиз раҳнамолигида озод ва обод Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётир. Пировардида ҳар бир юртдошимизнинг қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурури юксалиб, янгидан-янги зафарлар, муваффақиятларни қўлга киритишида улкан имкониятлар яратилмоқда.*

## Фидойилик ва жасорат эътирофи

Бундан йигирма йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва олий нишон — “Олтин Юлдуз” медали, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари ҳамда “Жасорат” ва “Шуҳрат” медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши ана шундай эътибор ифодасидир.

“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, мамлакатимиз фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. Айрим ҳолларда ушбу унвон юртимиз фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган шахсга “Олтин Юлдуз” медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали вазиятда топширилади.

Ўтган вақт мобайнида кўплаб юртдошларимиз ана шу олий мукофотга лойиқ кўрилди. Бинобарин, Ўзбекистон Қаҳрамонлари сони турли соҳаларда фаолият юритаётган ватандошларимиз ҳисобига йил сайин ортиб бораётгани юртимизда инсон шаъни улуғланиб, меҳнати қадрланаётганидан далолатдир.

Ватанимизнинг энг юксак мукофотларидан яна бири — шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови ҳисобланган “Мустақиллик” номи билан аталиши бежиз эмас.

Шукрки, эркин ва озод юртда яшаяпмиз. Мамлакатимизнинг истиқлолга эришиши аждодларимизнинг асрий орзу-умидлари рўёби, халқимизнинг улкан тарихий ютуғи бўлди. Бугун тинч ва осойишта хонадонларимизда нуроний отахону онахонларимиз яхши ниятлар билан қўлларини дуога очиб, эзгу тилаклар айтишаяпти. Демак, бундай юртда тотувлик, фаровонлик барқарор. Зеро, Мустақиллик бизга ана шу файзу баракотни олиб келди.


(Давоми 2-бетда).

# Фидойилик ва жасорат эътирофи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Мустақиллик” ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, республикамизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссалари учун ҳамюртларимиз, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади. Қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Барча миллат ва элат вакилларининг тили, урф-одатлари, анъаналари ҳурмат қилиниши, ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилган. Миллатлараро тотувлик, дўстлик юртимиздаги барқарорлик ҳамда тараққиётнинг муҳим омилидир.

“Дўстлик” ордени мамлакатимиз фуқаролари, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, халқимизнинг бошқа давлатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган фуқароларни мукофотлаш мақсадида таъсис этилган. Мазкур орден билан мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши кўзда тутилган. Ушбу мукофот соҳиблари орасида нафақат юртдошларимиз, айни пайтда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам бор.

Тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлашда миллий армиямиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг масъулияти юксакдир. Мустақиллик йилларида ҳарбий хизматчилар, миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ходимларининг республикамиз хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун “Жасорат” медали билан тақдирланиши белгиланди.

“Шуҳрат” медалига мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантиришга, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ҳисса қўшаётган кишилар лойиқ кўрилади.

Қувонарли томони шундаки, давлат мукофотлари Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз учун юксак ва олий шараф бўлиб келмоқда.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

*Нидерландиянинг Лейден шаҳрида жойлашган Халқаро Осиё тадқиқотлари институтида (IIAS) ўзбек халқининг буюк бобокалони, машҳур давлат арбоби Амир Темурнинг тарихий меросига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

# Тадбир буюк Амир Темурнинг тарихий меросига бағишланди

Тадбирда Нидерландия эксперт-таҳлил ва академик доиралари вакиллари ҳамда тарихий мерос муҳофазаси мутахассислари иштирок этди.

Лейден университети ва Халқаро Осиё тадқиқотлари институтининг тадқиқотчиси Елена Паскалева ушбу илмий-амалий семинарнинг асосий маърузачиси бўлди. У ўз чиқишида Амир Темурнинг истеъдодли саркарда ва буюк сиёсий етакчи бўлганини қайд этди. Амир Темур иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий тамойиллар асосида қудратли марказлашган давлат яратган. Улкан ҳудудларни қамраб олган мазкур салтанат халқаро савдо-сотиқ ва Европа билан ҳамкорликнинг жадал ривожланишига ҳам хизмат қилган.

“Шу билан бирга, — дея таъкидлади Е. Паскалева, — Амир Темур ўз меъморий услубини шакллантириб, ўзидан сўнг беқиёс мерос қолдирган ҳукмдорлардан биридир. Бугун темурийлар даври меъморчилиги намуналари ўзбек халқининг фахри ва ғурури ҳисобланади”.

Маърузачи мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳукумати томонидан Самарқанддаги ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ёдгорликларни реконструкция қилиш учун жуда катта миқдорда бюджет маблағлари ажратилиб, бу борада улкан ишлар амалга оширилганини эътироф этди. Кўплаб тарихий обидалар, ҳатто экспертлар томонидан “тиклаб бўлмайди” дея таърифланган ёдгорликлар ҳам сифатли таъмирланди. Давлат даражасидаги эътибор натижасида ҳозирги вақтда республика бутун дунёдан сайёҳларни ўзига жалб қиладиган муҳим сайёҳлик бозорини шакллантира олди.

Тадқиқотчи семинар қатнашчиларига 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқандда ўтказиладиган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро илмий конференцияда иштирок этиши ҳақида ҳам маълумот берди.

Тадбир доирасида Амир Темур ҳамда муқаддас Ўзбекистон заминида яшаб ижод қилган буюк олим ва мутафаккирларнинг Европа билан маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Лейден университетида очилган мазкур кўргазма жорий йилнинг 2 июнигача давом этади.

**«Жаҳон» АА.**

# Журналистнинг касб этикаси ва масъулияти

*Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда журналистнинг касб этикаси ва масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*

ДАВРА СУҲБАТИ

Унда босма ва электрон ОАВ муҳаррирлари, халқаро ва жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар изчил олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш зарурлиги белгилаб қўйилгани ОАВнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилмоқда. Албатта, бунинг учун демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Бу, ўз навбатида, соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давра суҳбатида бугунги кунда ОАВда фаолият юритаётган журналистларнинг нафақат қонунчилик, шу билан бирга, касб этикаси, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш масалаларининг долзарблигига эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, журналистнинг ўз бурчини ҳалол, адолатли ва виждонан бажариши унинг профессионаллик даражасини намоён этади.

Тадбир давомида иштирокчилар миллий ва хорижий экспертларнинг босма ОАВ ишидаги одоб-ахлоқ меъёрларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар билан батафсил танишдилар. Айниқса, соҳа мутасаддиларининг электрон ОАВда касб этикасини қўллаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид маърузалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Қизғин муҳокама жараёнида журналистнинг аниқ далил ва рақамларга асосланган ахборотни кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказишдаги масъулияти катта эканлиги, шу билан бирга, у ижтимоий бурчини бажарувчи шахс сифатида фуқаролик жамияти барпо этишда фаол қатнашиши муҳим аҳамиятга эгалиги айтиб ўтилди. Зеро, ОАВ вакилларининг ҳаққоний, холис сўзи орқали ёшлар дунёқарашини миллий ғоя ва қадриятлар асосида шакллантириш ҳамда йигит-қизларни четдан кириб келаётган ёт ғоялар таъсиридан, турли ахборот хуружларидан асраш айни муддаодир.

ОАВ соҳасидаги экспертлар, амалиётчи журналистлар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, соҳага қўшимча иқтисодий преференцияларни жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, айниқса, жабҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш долзарблигини таъкидладилар.

Тадбир доирасида Ўзбекистон журналистларининг одоб-ахлоқ меъёрлари профессионал кодекси лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Иштирокчилар мазкур лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини айтишди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида аҳолига бепул ва пуллик тиббий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари ва амалий механизмлари, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш истиқболлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**● Бухорода уюштирилган республика илмий-амалий конференцияси “Келажагимиз баркамол ва соғлом авлод қўлида” деб номланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, “Олима” хотин-қизлар уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлод тарбиясида маънавият, иқтисод ва сиёсий жараёнлар уйғунлиги, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оиланинг ўрни, репродуктив саломатлик масалалари хусусида сўз юритилди.**

● Қўқон шаҳрида маданият ва дам олиш марказларида маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тўгараклар ишини ташкил этиш масаласига бағишлаб ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида Фарғона вилоятида 91 ана шундай марказ ташкил қилиш режалаштирилгани ҳамда жорий йилда улардан 13 таси реконструкция қилиниб, ишга туширилиши таъкидланди.

**● Жалақудуқ туманида “Биз – буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда икки минг нафардан зиёд йигит-қиз қатнашди. Тадбир доирасида умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан тайёрланган қўл меҳнати буюмлари, расмлар кўргазмаси, шунингдек, республика ва халқаро санъат танловлари ғолибларининг чиқишлари намойиш этилди.**

● Тахтакўпир туманида “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 15 та корхона ва ташкилот 47 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Якунда ўндан зиёд фуқарога ишга жойлашишлари учун йўлланма берилди.

Эътиборлиси, мазкур ярмарка жорий йилда туманда ўтказилган олтинчи ана шундай тадбирдир.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Ижодий изланишлар натижаси



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан таъсис этилган номинациялар бўйича ҳам мукофотлар топширилди.

Шу ўринда ушбу танловга қизиқиш халқаро ташкилотларда йил сайин ортиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, бу йилги танловда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ахборот маркази, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича Бирлашган дастури — ЮНЭЙДС, Халқаро муносабатлар миллий демократик институти (АҚШ), “Регионал диалог” (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўз мукофотлари билан иштирок этди. Тантанали маросимда бир гуруҳ журналистлар ушбу ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Танловнинг Бош миллий мукофотини қўлга киритган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” телеканали махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

**Журналистика соҳасида**
**Бош миллий мукофот**

**ЎзМТРК “Маданият ва маърифат” телеканали** — директори Воҳид Луқмонов

Ўзбек халқининг бой маданий-маърифий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитиш, юксак маънавиятли, мустақил фикрли, кенг дунёқарашли ёшларни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, миллий қадриятларимизга бўлган эътибор, мамлакат маданий ҳаётидаги янгиланишларни кенг ёритгани учун

**Асосий мукофотлар**

**Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):**

*1-ўрин:*

**Гулҳида Жўраева** — “Yoshlar” телерадиоканали қошидаги “Болажон” телеканалининг Мусиқий ва маърифий-ўйинли теледастурлар муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари вазифасини бажарувчи

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури” доирасидаги миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга ёшларни вояга етказишга қаратилган теледастурлари учун

*2-ўрин:*

**Барчиной Жўраева** — ЎзМТРК “O‘zbekiston” телерадиоканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар ва долзарб муаммоларга бағишланган “Биз учун муҳим” туркумидаги ток-шоулари учун

*3-ўрин:*

**Ёлқин Оқбўтаев** — Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси телегуруҳининг махсус мухбири

Вилоятда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёни ва бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги кўрсатувлари учун

**Энг яхши журналистик материал учун (радио):**

*1-ўрин:*

**Мавжудахон Оппоқхўжаева** — ЎзМТРК “O‘zbekiston” телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақидаги таҳлилий эшиттиришлари учун

*2-ўрин:*

**Зафар Турсунов** — “Пойтахт” радиоканали директори

Республикамиз пойтахти ҳаётининг муҳим воқеалари ҳақидаги ахборот дастурлари, долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий эшиттиришлари учун

*3-ўрин:*

**Гуларем Жумагалиева** — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг “Хабар” ахборот-таҳлилий дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

Қорақалпоғистон ёшларининг бугунги ҳаёти, ютуқ ва муаммолари тўғрисидаги “Парвоз” туркум эшиттиришлари учун

**Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):**

*1-ўрин:*

**“Соғлом авлод” газетаси таҳририяти** — бош муҳаррири Фахриддин Ҳайитов

Мамлакатимизда “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, тиббий маданиятни ошириш, болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни кенг ва таҳлилий ёритгани учун

*2-ўрин:*

**“Ватанпарвар” газетаси таҳририяти** — бош муҳаррири Алижон Сафаров

Ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган, Ўзбекистон Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақидаги материаллари учун

*3-ўрин:*

**Замирахон Хўжамбердиева (Рўзиева)** — “Миллий тикланиш” газетасининг Андижон вилояти бўйича ўз мухбири

Миллий ғурур ва қадриятларимиз, анъана ва удумларимиз, халқимизга хос бағрикенглик ҳақидаги публицистик мақолалари учун

**Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):**

*1-ўрин:*

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг “uza.uz” веб-сайти** — бош муҳаррири Бунёд Абдуллаев

Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни турли тилларда атрофлича ёритгани учун

*2-ўрин:*

**“uz24.uz” веб-сайти** — бош муҳаррири Аброр Исмоилов

Мамлакатимизда ва чет элларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар тезкор ва таҳлилий ёритилган материаллари учун

*3-ўрин:*

**Жонибек Мусаев** — “UzReport.com” веб-сайти мухбири

Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётидаги янгиликлар, халқаро алоқалари ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

**Халқаро ва жамоат ташкилотларининг рағбатлантирувчи мукофотлари:**

**БМТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

**“Радиода Мингйиллик ривожланиш мақсадлари мавзусининг ёритилиши”**

**Лаззат Есемуратова** — “Нукус-FM” радиоканали директори

**ЮНЕСКО**

**“Барқарор ривожланиш мавзуси ёритилган энг яхши материал учун”**

**Тоштемир Худойқулов** — “Ўзбекистон овози” газетасининг Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиёт бўлими мухбири

**ЕХҲТ**

**“Рақамли технологиялар даврида замонавий жамият ва ахборот журналистикаси”**

**“Ўзбекистон матбуоти” журнали таҳририяти** – бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Шуҳратжон Охунжонов

**ЖАҲОН БАНКИ**

**“Глобал иқлим ўзгариши муаммолари ёритилган энг яхши материал учун” (қишлоқ хўжалиги ва иссиқлик самарадорлиги масалалари)**

**Озод Очилов** — “Қишлоқ ҳаёти” газетаси гуруҳ раҳбари

**UNAIDS, UNICEF, UNFPA ВА ОИТСга ҚАРШИ КУРАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ**

**“ОАВнинг ОИВ-ОИТС масалалари бўйича жамоатчилик мулоқотини фаоллаштириш ва аҳолининг хабардорлигини оширишдаги роли ёритилган энг яхши материал учун”**

**Сурия Магдеева** — “Наманганская правда” газетасининг махсус мухбири

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТИ (АҚШ)**

**1. “Давлат органларининг ўз фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини кучайтириш борасидаги ишлари ёритилган энг яхши материал учун”**

**Сайёра Ербаева** — ЎзМТРК “Тошкент” телерадиоканали “Пойтахт” ахборот дастурлари бош муҳарририяти шарҳловчиси

**2. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли эҳтиёжларини қондириш бўйича долзарб муаммолар ечимини топишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ёритилган энг яхши материал учун”**

**Санобар Боймуродова** – Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири

**3. “Журналистикада ижтимоий масалаларни ёритишда инновацион ечим ва ёндашувлар”**

**Хушнуд Худойбердиев** – Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

**“РЕГИОНАЛ ДИАЛОГ” ХННТ (Словения)**

**1. “Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусидаги энг яхши материал учун”**

**Гули Нигор Авазова** – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти мухбири

**2. “Ўзбекистонда суд ҳокимияти ислоҳотларининг бориши ёритилган энг яхши материал учун”**

**Хуршида Турсунбоева** – “Тошкент ҳақиқати” газетаси мухбири

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши**

**1. “Соғлом бола йилига бағишланган энг яхши материал учун”**

**Мардон Эсонбоев** – “Болалар дунёси” газетаси муҳаррири ўринбосари (Наманган вилояти)

**2. “Ижтимоий шериклик фаолияти ёритилган энг яхши материал учун”**

**Екатерина Соболева** – Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бош мутахассиси

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ**

**1. “Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун”**

**Аббосхон Усмонов** – “Правда Востока” газетаси бош муҳаррири

**2. “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун”**

**Ирина Баранова** – “Trend” ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири (Озарбайжон Республикаси)

## Наманган томонларда

*Наманган туманидаги “Turbo plast plus” қўшма корхонасида қурилиш саноатида кенг фойдаланиладиган пенопласт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда амалга оширилган модернизация тадбирларидан сўнг маҳсулот сифати яхшиланиб, самарадорлик янада ортди.*

# Иссиқ ва совуқдан ҳимоялайди

Мазкур лойиҳа рўёби учун хорижий ҳамкорлар билан биргаликда 350 минг АҚШ долларига тенг инвестиция йўналтирилди ва ишлаб чиқаришга энг замонавий технологиялар жорий қилинди. Ҳозир бу ерда илғор дастгоҳлар ёрдамида полистирол гранулаларидан пенопласт плиталари тайёрланмоқда. Ушбу маҳсулотнинг иссиқ ва совуқдан ҳимоялаш хусусияти юқорилиги боис унга халқ хўжалиги, хусусан, бинокорлик саноатида талаб катта. Шунингдек, корхонада маиший техника воситалари учун сунъий ашёдан ўров материаллари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида ички бозорга 120 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот чиқардик, — дейди МЧЖ раҳбари Умаржон Абдуллаев. — Айни пайтда буюртмалар портфелимизда шартномалар анчагина. Улар ижросини ўз вақтида таъминлаб, муваффақиятларимиз кўламини янада кенгайтириш пайидан бўлаяпмиз.

# «Ишонч» хизматига ишонч ортаяпти

*Жомашўй шаҳарчасидаги “Ишонч” марказида сартарошхона, суратхона, кийимларни кимёвий усулда тозалаш шохобчаси ҳамда тикувчилик ва каштачилик цехи фаолият юритмоқда.*

— Яқинда бу ерда ўқув маркази ҳам ташкил қилдик, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Маҳфират Сиддиқова. — Ҳозир 15 нафар хотин-қизга пазандачилик сабоқлари берилмоқда. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишни мақсад қилган бу ёшлар курсларимизда бошланғич бизнес ҳақида ҳам маълумотлар олишаяпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилнинг апрель ойида Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (OPEC) томонидан углеводород хом ашёси қазиб чиқаришнинг кунлик ҳажми 29,86 миллион баррелга тушиб қолди. Бу 2011 йилнинг июнь ойидан бери энг паст кўрсаткич ҳисобланади.*

## Кунлик миқдор камайди

Изоҳланишича, маҳсулот етказиб беришда салмоқли ўрин тутадиган икки давлат — Саудия Арабистони ҳамда Ироқнинг нефть қазиб олишни қисқартиргани бунга асосий сабаб бўлган. Масалан, ўтган ойда Саудия Арабистони кунлик "қора олтин" ишлаб чиқаришни 100 минг баррелга камайтирган ва натижада унинг кўрсаткичи 9,5 миллион баррелни ташкил қилган.

## Паромда ёнғин

*Ла-Манш бўғози орқали Франция ва Буюк Британия ўртасида қатновчи паромда ёнғин келиб чиқди.*



"AFP" ахборот агентлиги хабарига кўра, кўнгилсиз воқеа оқибатида ўн киши тан жароҳати олган. Улардан беш нафари экипаж аъзолари, беш нафари эса йўловчи экани айтилмоқда. "Seaways" компаниясига тегишли ушбу паромдаги қолган барча одамлар эсон-омон эвакуация қилинган.

Ёнғин сув транспортининг машина бўлимидан келиб чиққан. Бунга нима сабаб бўлгани ўрганилмоқда.

## «Оскар» ҳайкалчаси сотилди

*1939 йилда АҚШлик таниқли кинооператор Грегг Толандга топширилган "Оскар" ҳайкалчаси Лос-Анжелесда ўтказилган кимошди савдосида 150 минг долларга сотилди.*



У ушбу совринга "Момақалдироқли довон" фильмидаги операторлик иши учун муносиб кўрилган эди.

Шунингдек, мазкур аукцион чоғида таниқли мусиқачи Жон Леннонning пальтоси 31,2 минг, актёр Жон Уэйннинг шляпаси 37,5 минг, қўшиқчи Леди Гаганинг кўйлакларидан бири 15,6 минг долларга сотилган.

## Совринларга даъвогарлар маълум

*Футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси ҳамда Европа лигаси финалларида тўп сурадиган жамоалар номи маълум бўлди.*



Эътиборли жиҳати, бу йил ҳар икки мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсида Испания клублари иштирок этади. Хусусан, Мадриднинг "Реал" ва "Атлетико" жамоалари Европа чемпионлар лигаси ғолиблиги учун ўзаро куч синашса, "Севилья" (Испания) Португалиянинг "Бенфика"си билан Европа лигаси бош соврини учун беллашади.

Европа чемпионлар лигаси тарихида охирги бор 1999/2000 йиллардаги мавсумда Испаниянинг икки клуби финалга чиққан эди. Ўшанда "Реал Мадрид" "Валенсия"ни 3:0 ҳисобида ютиб, кубокни қўлга киритган.

Европа лигаси финали 14 май куни Италиянинг Турин шаҳридаги "Ювентус" стадионида бўлиб ўтади. Чемпионлар лигасининг сўнгги баҳси эса 24 майда Португалиянинг Лиссабон шаҳридаги "Эштадиу да Луш" стадионида ўтказилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Мустаҳкам ҳамкорлик асоси

*Мамлакатимизда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда молия муассасаларининг улуши тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Натижада одамларнинг банкларга ишончи ортиб, унинг кўмагидан унумли фойдаланган ҳолда, элу юртга наф келтираётган ишбилармонлар сафи кенгаймоқда.*

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Таъкидлаш керакки, жорий йилда ОАТ «Турон» банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 2013 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп, яъни 642 миллиард сўмликдан зиёд сармоя ажратиш режалаштирилган. Ўтган уч ой давомида уларга 148,4 миллиард сўм миқдорида кредит тақдим қилинди. Пировардида жойларда турли соҳага ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилиши баробарида, 2760 кишининг бандлиги таъминланди.

— Мазкур молия муассасаси билан ҳамкорлик қилиб, савобли ишга қўл урганимиздан мамнунмиз, — дейди "Баркамол Транс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Маҳмуд Ғофуров. — Гап шундаки, бултур унинг Жиззах вилояти филиали томонидан ажратилган 1 миллиард сўмлик кредит ҳисобидан ҳар бири 25 тонна юк ташишга мўлжалланган 5 та транспорт воситасини сотиб олган эдик. Айни пайтда бу техникаларимиздан йўлларни таъмирлаш ҳамда қуриш ишларида самарали фойдаланилмоқда.

Сўнгги пайтда банк мижозлари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳисобига янада кенгайиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Шулардан бири — Наргиза Маматқулова жорий йил бошида иссиқхона қуриш бўйича бизнес-режасини Жиззах филиали мутахассисларига тақдим этган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, унга имтиёзли шартлар асосида 7 миллион сўмлик кредит ажратилди. Ҳозирги кунда ёш ишбилармон мўлжалдаги ишларини якунламоқда. Ишонамизки, тез орада бу ерда етиштирилган маҳсулотлар аҳоли дастурхонига етказиб берилади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА




Мухтасар айтганда, ОАТ «Турон» банки жамоаси ва унинг мижозлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кун сайин мустаҳкамланиб бораётгани истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, ютуқларни янада кўпайтиришга хизмат қилаётир.

**Банк Матбуот хизмати.**

---

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**
**МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни етказиб бериш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

денгиз тўлқини рангли аёллар шляпалари, денгиз тўлқини рангли енги калта ва узун аёллар блузкалари, оқ рангли енги калта ва узун аёллар блузкалари, аёллар туфлилари, иссиқ тутадиган аёллар этиклари, юк-багаж рюкзаклари, катак-катак (вафельный) сочиқлар, ҳарбий хизматчилар учун ип газлама (хом сурп) кўйлаклар (рубаха) ва кальсонлар, «соя» рангли камуфляж майкалар, яшил рангли беретлар, денгиз тўлқини рангли РО «Охрана» шевронлари, матолар («тик матрасный»), ип газлама ёзги пайпоқлар, жунли пайпоқлар.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

*Талабгорлардан танлов савдоларида иштирок этиш учун тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.*

**Маълумот олиш учун соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 281-43-72, 255-83-00. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.**

701R/371

---

*ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!*

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2014 йил 5, 12, 19 ва 26 июнь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 18-«Б» уйда жойлашган, «InFinBank» ХОАТБнинг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 100% банк улуши қўйилмоқда:**

| Номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|
| | манзили | асосий фаолият йўналиши | |
| «TASHKENT TRANS AVTO» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 60-уй | Жамият уставида автомобиль хўжалиги билан шуғулланиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган барча фаолият турларини амалга ошириш белгиланган | 23 315 000 000,0 |

**Очиқ аукцион шартлари**

Очиқ аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 50 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар) очиқ аукцион савдоси ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, раҳбар тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан ва унинг паспортидан нусха, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вакил шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган улуш бошланғич баҳосининг бир фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улуши сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Очиқ аукцион савдоси белгиланган савдо куни соат 15.00 да бошланади ва қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 18-«Б» уй. Телефон: (8-371) 140-50-60. Тел./факс: (8-371) 140-50-70.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

*Гувоҳнома № 005357.*

698R/40

---

● ЭЪЛОНЛАР ●

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 14 октябрдаги 10-1019/14722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳар, «Марказий универсал магазини» МЧЖга қарашли, Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 17-уйда жойлашган, 2 қаватли, 1972 йилда қурилган, умумий ер майдони 7846,54 кв.м., қурилиш майдони 3183,29 кв.м. бўлган «Марказий универсал магазини» биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 260 744 700 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 3 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 30 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой (собиқ М. Абдуллаева) кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

692R/1453

---

**«REAL AUKSION» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йил 23 апрелдаги 7119/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01J303EA бўлган «Mercedes-Benz» русумли техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 248 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 4 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Real auksion» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

Гувоҳнома № 006795.

691R/1090

---

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Сайхунобод тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 11 ноябрдаги 12-1301/10407-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сайхунобод тумани, Сайхун қўрғони, Турон маҳалласида жойлашган, умумий майдони 1006,28 кв.м. бўлган 0001-литердаги бостирма ва 0002-литердаги қозонхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 3 июнь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 30 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

699R/1453

---

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

---

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 апрелдаги 11338-39/25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-уй.

***Бошланғич баҳоси — 184 214 000 сўм.***

**2.** Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 14 сентябрдаги 19305/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Анорзор (собиқ Ғ. Абдуллаев) кўчаси, 33-уй.

***Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 19 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг «Asia alliance bank» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-371) 262-35-99.**

Хизматлар лицензияланган.

693R/51

---

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қорақалпоғистон Республикаси бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2014 йил 17 февралдаги 23-1304/14151-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, 1985 йилда қурилган, умумий ер майдони 3000,0 кв.м., фойдаланиш майдони 1052,75 кв.м. бўлган 34 хонали маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 21 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 19 май куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 21 майдаги савдода сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2014 йил 5 июнь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан Хўжайли тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалининг ОАТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (8-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

700R/1453

---

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геология ва геофизика институти жамоаси катта илмий ходим, геология-минералогия фанлари номзоди

**Аҳрол Исламович УСМАНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти жамоаси Тошкент тиббиёт академияси юқумли касалликлар кафедраси профессори Муборахон Аҳмедовага волидаи муҳтарамаси

**Инобат МАЛИКОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Кўнгил хиёбони



Тилимиз ва адабиётимизнинг бобокалонларидан бири Юсуф Хос Ҳожиб биринчилардан бўлиб, инсон фарзандининг ахлоқий қомусини яратди. Ул зоти шариф 1069 йилда битган "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") асари ана шундай қомуснинг мукаммал намунасидир.

## Малоҳатдур ҳусни одамзод

Юсуф Хос Ҳожиб маънавий камолотга эришмоқчи бўлган кишиларни, аввало, илм, ҳунар эгаллашга чорлайди:

*Билимни буюк бил,*
*Укувни улуғ,*
*Бу икков жиловни*
*Қўймаган — қутлуғ.*
*Билимсиз барчаси*
*Дардмандир, дардман.*
*Бу дард давосига*
*Билим ҳунарманд.*

Жаҳон фанининг дарғаларидан Абу Райҳон Беруний эса, гўё маслакдоши Юсуф Хос Ҳожибни қўллаб-қувватлагандек, дейди:

— Донишманд ва олимлар ҳикматларидан ўрнак олиш яхши хулқни тиргизади, ёмонини йўқ қилади.

— Билим — ўқиш ва такрорлаш меваси.

Илмли, ҳунарли бўлишнинг зиёдалиги, жаҳолатнинг касофати, орифликнинг шарофати тўғрисида Ибн Сино, Форобий, Улуғбек сингари алломалар ҳам қайта-қайта оғоҳлантирган.

Файласуф Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг маънавий зурриётларига қолдирган васиятномасида мана бундай сатрлар бор: "Эй фарзанд, комил инсон бўлишга интил, илм эгаллашдан зерикма, дунёга хирс қўйма, Ватан севинчини кўзлаб яша, туққан юрт тупроғини кўзингга тўтиё айла, ҳар қадамингни ўйлаб бос, токи оқибатда пушаймонлик келмагай..."

### ҲИКМАТ

Миллатимиз фахри, фидойи олим ва хассос шоир Абдулла Авлоний ёш авлодга атаб "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" деган асар ёзди. У бошданоёқ яхши хулқлар, ёмон хулқлар тафсирига, таҳлилига бағишланган. Авлоний яхши хулқлар сирасига диёнат, поклик, қаноат, сабр, ҳалимлик, иффат, ҳаё, хайрхоҳлик, саховат сингари хислатларни киритади, уларнинг инсонга нечоғли кўрк бағишлаб, руҳий камолот сари элтишини исботлайди.

*Бир ривоят бор. Бир куни Алишер Навоий отда кетаётиб, ноғаҳон йўл бўйида ўтирган ўсмир болалага кўзи тушди. Ҳазрат отдан тушиб, болакайнинг қўлини олди. Шундан сўнг шоир бу ҳолатга ажабланиб турган мулозимларга боқиб, деди:*

*— Бул йигитча устозимнинг набираси бўлади. Биз унга салом бериб, устоз хотирини шод айладик...*

*Даҳо шоирнинг бу хайрли амалини камтарлик ва хоксорликнинг юксак чўққиси, дейиш мумкин.*

Ҳамонки, гап камтарлик, кичик феъллик ка етиб келган экан, бу мавзуда ҳам икки оғиз сўзлаш ўринли бўлар. Фақирлик ва манманлик, кибр ва тавозе, кўрслик ва ҳалимлик, аччиқ тил. Бундан минг йил муқаддам Аҳмад Ясавий "Девони ҳикмат" китобида:

***Қул Хожа Аҳмад тоат қил,***
***Билмам, умринг неча йил,***
***Аслинг, билсанг оби гил,***
***Яна гилга кетаро!*** — дейди.

Бас, шундоқ экан, нечун биз ерни миннат билан босамиз? Нимага биров биродарини оёқ учида кўрсатамиз, гоҳида салом беришни эмас, ҳатто, алик олишни ҳам унутиб қўямиз. Нафс ва калондимоғлик баъзан дўстни душманга, тукқан-туғишганни етти ётга айлантириши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ўтмишдаги улуғ аждодларимиз нафснинг қутқусига учмасликка, тамадан йироқ бўлишга ундайди.

Бу сирли олам сингари маънавий камолотнинг ҳам поёни йўқ. Кимки ички дунёсини яхши хулқлар билан безаб, одамийлик шевасига риоя қилиб яшаса, у бахтлидир. Зеро, Навоий бобо айтмоқчи, малоҳатдур ҳусни одамзод.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

### Ҳадис

*Ҳақиқий камтарлик*
*барча яхшиликларнинг бошидир.*



*Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.*

**Амир ТЕМУР.**

*Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у бу баракотдин умрбод баҳраманд бўлади.*

**Алишер НАВОИЙ.**

*Қарилар ҳолиға боқ лутфинг кўзидан, эй йигит,*
*Ким, камоли хусн ожизлар дуосидин санга.*

**Муҳаммад Ризо ОГАҲИЙ.**



## Йўлда

**Термиздан поездга чиқдим. Тошкентга қараб. Купеда бир аёл ва эркак суҳбатлашиб ўтирибди. Икковининг ҳам чеҳраси очиқ. Аёлнинг кўзларида ички бир дард. Хазин. Аммо билдирмайди.**

Поезд жўнади. Гурунгимиз қизиди. Одамлар... Ҳаёт... Оила... мавзулар турли-туман. Кутилмаган ҳол поезд иккинчи бекатдан жўнагач рўй берди. Умримда бунақа вазиятга дуч келмаганман. Жуда ғалати бўлди. Инсон! Инсон, деймиз. Лекин у турфа кўринишда.

Купемизга кўпол, айиқ гавдали киши кириб келди. Пишиллайди. Ташқаридан қараб, қандай инсонлигини билмайсиз-да. Жойни сўради. Исмимизни, қаерданлигимизни... Нима бўлар экан, деб турибмиз. Ҳайрон қолдим, купемизда... бирдан хўжайинликни қўлга олди. Овозида дағдаға, манманликми, шунга ўхшаш бир нарса-да:

— Отим Хўжамурод. Бир пайтлар колхозга раис бўлганман. Ҳозир нафақадаман. У пайтларда ҳамма атрофимда "акажон", деб юрарди...

### Инсон манзаралари

Гапим гап эди. Мендан ҳамма ҳайиқарди.

У тинмай мақтанди.

— Хўш, сиз Тошкентга бораяпсизми? — у ёнимдаги кишига қаради.

— Ҳа... пойтахтга.

— Сиз-чи, опа?

— Мен ҳам Тошкентга бораяпман, — аёлнинг овози синиқ чиқди.

— Неча ёшдасиз?

— 50 дан ошдим...

— Э-э, опа-опа-я! Момо бўп қопсиз. Мана, мен 70 дан ошдим. 40 ёшда дейсиз. Сиз опа, 80 ёшга кирган момосиз. Касалмисиз, дейман.

— Озгина мазам йўқ эди. Кўрингани бораяпман... — мунғайди аёл.

— Касал сизни тамом қипти. 50 ёшда қариб ўтин бўп қопсиз. Менинг ҳам хотиним икки йил касал бўлиб юрди. Дўхтирларга ҳам кўрсатдим. Тузалмади, ўлиб кетди...

Аёл бу сўзлардан бирдан чўкди. Гўё лаҳзада бир бурда бўлиб қолди.

Нима бўлди-ю, Хўжамурод купедан коридорга чиқди. Ёнимдагилар ўз ўринларидаги кўрпаларга ўраниб ётиб олишди. Мен тепага ётдим. Кун ботаётганди. У қайтиб келди. Гапини эшитадиган киши йўқ. Гудранди. Асабийлашди. Мижғовланди: "Бундай купедан кўра таксида кетганим яхши эди..."

Бир тун минг йилдай ўтди. Биргина нодон уч инсоннинг кўнглини вайрон қилди.

Икки кун ўтди. Яна поезддаман. Сурхондарё томонга қараб кетаяпман. Тошкент вокзалидан оилам билан чиқдим. Купеда йўлдошимиз ака-сингил Бахтиёр ва Баҳрия. Қизиқ ва ширин суҳбатимиз Қаршигача давом этди. Улар билан хайрлашдик. Қандай ажойиб ака-сингил. Одамнинг жонидай.

Дунёда яхши одамлар кўп. Шундан ҳаётимиз гўзал ва ҳузурбахш.

**Менгнор ОЛЛОМУРОД.**

### ДУРДОНА

***Бир онлик ғазабингни боссанг, юз кун хотиржам яшайсан.***

Хитой мақоли.

*Қариндош келмай қўйса, бегонага айланади, бегона келавериб, қариндошга айланади.*

Озарбайжон мақоли.

***Кимнинг виждони бўлмаса, унга омад ёр бўлмайди.***

Ҳинд мақоли.

### ҲИКОЯТ

Д И Ё Н А Т

Бир фозил одамнинг уйида сичқонлар кўпайиб кетди. Одамлар унга:

— Нега уйингизда мушук асрамайсиз? Мушук сичқонлар кушандаси эканини биласиз-ку. Агар битта мушук асрасангиз, сичқонлар ҳужумидан қутуласиз, — дедилар.

Фозил одам уларга:

— Тўғри айтасизлар, лекин бу маслаҳатингизни виждоним қабул қилмайди. Агар мушук асрасам, ҳамма сичқонлар мушукларни кўриб, қўшниларимнинг уйларига тарқаладилар, қўшниларимга кўп азият берадилар. Ўзимга истамаган нарсамни қўшниларимга истайми? Ўз фойдамни кўзлаб, бошқаларга зарар етказайми? Йўқ, бу ишни виждоним асло қабул қилмайди, — деб жавоб берди.

Байт: *Ҳар нимаики ўзингга бўлмас писанд,*
*Тутма раво ўзгага, эй аржуманд.*

**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ тайёрлади.**

### *Боқий сатрлар*

## Топмадим

***Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,***
***Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.***

***Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,***
***Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.***

***Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,***
***Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.***

***Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,***
***Нечаки бориб эшигига, бор топмадим.***

***Бобур, ўзунгни ўргатакур, ёрсизки, мен***
***Истаб жаҳонни, мунча қилиб, ёр топмадим.***



### Рубоий

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен.
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри (азизи),
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

### Туюқ

Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.
Ўқунг этти кўп ямон ёро манга,
Марҳами лутфунг била ёро манга.

### Фард

Борму экин ҳеч нима оламда ҳижрондин ямон,
Ҳар неким ондин ямонроқдур, будур ондин ямон.

**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР**

*Тиббиётда юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига "эпидемия" атамаси қўлланилишини ҳамма яхши билади. Бу, асосан, қандай хасталиклар билан боғлиқ жараён экани ҳам кўпчиликка маълум. Аммо сўнгги йилларда одамлар орасида шундай бир одат шаклландики, уни ҳам ҳеч иккиланмасдан эпидемия турлари қаторига қўшса бўлади. Бу қулоқчин (наушник)лардан фойдаланишнинг тобора оммалашиб бораётганидир. Автобус, метро, трамвай ёки кўча-кўйда ҳар куни ана шундай манзара гувоҳига айланамиз. Қулоғи "банд"лар орасида турли ёш вакилларини учратиш мумкин, уларнинг асосий қисми эса ёшлардир.*



# Ихтиёрий муаммо

## қулоқ орқали вужудга зарар етказади

**А**йтишингиз мумкин, "технология ривожланган даврда яшаяпмиз, хўш, бунинг нимаси ёмон?" деб. Тўғри, биз ҳам уйбу қурилманинг имкониятларини инкор этмаймиз. Лекин ундан фойдаланишда муайян меъёрлар мавжудки, унга амал қилинмаса, инсон саломатлиги билан боғлиқ нохуш ҳолатлар келиб чиқиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Қулоқчинлар — ажойиб ихтиро. Уйда ёки ишда ҳеч кимга халақит бермасдан, мусиқа эшитиш ёки улар ёрдамида ташқи муҳит таъсиридан холи бўлиш мумкин. Бироқ бир суткада шундай йўл билан 3 соатдан ортиқ узлуксиз мусиқа тинглаш организмнинг эшитиш тизими учун хавф келтириб чиқариши амалда исботланган.

Умуман, дунё миқёсида қулоқчинлардан фойдаланувчилар сонининг ортиб бораётгани, айниқса, бунда ёшлар сафининг кенгаяётгани шифокорлар хавотирига сабаб бўлмоқда. Чунки кўпроқ кексаларда учрайдиган эшитиш қобилиятининг пасайиш жараёни охирги йилларда ёшларда ҳам аниқланмоқда. Бунга, асосан, қулоқчинлар сабаб бўлаётган беморлар билан суҳбатларда, ўтказилган таҳлиллар натижасида ойдинлашаяпти. Ваҳолонки, қулоқчинларга ружу қўймаган соғлом инсонларда эшитишнинг ёш билан боғлиқ ўзгариши, одатда, 30 ёшдан кейин юзага келади ва улар аҳамиятга эга бўлмаган ўзгаришлар сифатида баҳоланиб, 55-60 ёшлардан кейин сезила бошлайди. Эшитишнинг мана шундай табиий ҳолатдаги пасайиб бориши 1979 йилгача Ер шарининг 80 фоиз аҳолисига хос ҳолат эди. Қолган 20 фоиз аҳолида эса бундай муаммо бахтсиз ҳодиса ёки касаллик туфайли пайдо бўларди. Аммо XX асрнинг 70-йилларида портатив плеер ихтиро қилинганидан сўнг мазкур касаллик "ёшара" бошлади.

Аслида қулоқчинлардан оқилона фойдаланилса, у ҳеч қандай зарар келтирмайди. Масалан, касбий мажбуриятлари туфайли бир қанча соҳа вакиллари — овоз режиссёрлари, диспетчерлар ишда қулоқчинлардан фойдаланишади. Шунга қарамай, уларда эшитишнинг пасайиши баланд овоздаги мусиқа шайдоларига нисбатан кеч кузатилади. Чунки меъёрга амал қилинади.

Қулоқчинлар инсон организмига таъсирини қуйидаги таҳлиллар билан янада батафсилроқ тушунтирсак:

Инсон қулоғи шунақа тузилганки, у частотаси 16 дан 20000 герцгача бўлган товушларни фарқлай олади. Ушбу диапазондаги частоталар ноғора пардасини тебратади ва эшитув нервларидан бош мияга етиб боради. Бош мияда келган тебранишларни товушлар каби қабул қилувчи қисмлар мавжуд. Тиббиёт ходимлари фикрига кўра, соғлом қулоқ қабул қилиши мумкин бўлган энг паст товуш, бу — 10-15 децибел. Пичирлаб гапириш — 20, оддий сўзлашув 30-35 децибелга тенг бўлиб, қичқириш 60-65 децибелни ташкил қилади. 85 децибелгача бўлган товушни инсон 8 соатгача соғлиғига зарарсиз тинглаши мумкин. Бироқ 90 ва ундан юқори децибелга эга товуш қулоқлар учун хавфли саналади. Мусиқа тинглашга мўлжалланган мосламалар, хусусан, MP3 плеер, CD плеер, мобиль телефонлар 110 ва ундан юқори децибелга бўлган овозни етказиб бериш имкониятига эга. Уларда товуш даражасини аниқ баҳолаш функцияси мавжуд эмаслиги боис тингловчи меъёрга эътибор қилмай, 110-130 децибелгача мусиқа эшитади ва бора-бора бунга мослашганини сезмай қолади. Бу эшитишга жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Табиатан ички қулоқни ҳимоя қилиш учун механизм ишлаб чиқилган. Юқори ва паст частотали товушлар таъсир этганда, узанги ва ноғора пардани таранглаштирувчи мускуллар қисқаради ҳамда ички қулоққа борувчи йўлни беркитиб қўяди. Агар бу таъсир узоқ вақт давом этса, мускуллар чарчайди ва ички қулоқни ҳимоя қилмай қўяди. Бундан ташқари, асосланмаган чарчоқ ҳисси пайдо бўлади.

Баъзан қулоқчин ёрдамида кўйқўшиқ тинглаётган шундай одамларга дуч келамизки, овозининг баландлигидан уша мусиқа беихтиёр бизга ҳам эшитилади. Бундай манзара, асосан, метро ҳизматидан фойдаланаётганларда, кўпинча ёшларда кузатилади. Улар ташқи шовқиндан ҳимояланиш мақсадида ихчам, қулоқ ичига жойлашувчи эшитиш мосламаларини тақиб олишган бўлади. Ваҳолонки, бундай қулоқчинлар эшитув йўлини ёпади. Хўш, у яна қандай муаммони юзага келтиради? Гап шундаки, ташқи эшитув йўлида церумен (чирк) ишлаб чиқарувчи безлар мавжуд бўлиб, қулоқчинлар ана шу йўлнинг терисини босади ва уни таъсирлантириб, кўп миқдорда церумен (чирк) ишлаб чиқарилишига, унинг тиқинига айланишига олиб келади.

### МУШОҲАДА

"Наушник" таққан одам бир вақтнинг ўзида икки хил ҳолатда юради: танаси ҳақиқий ҳаётда бўлса, мусиқа руҳи сезги аъзоларидан бири саналган эшитиш — ўзга оламда бўлади. Албатта, бу икки олам бир-бири билан кесишмайди, шунинг учун унинг мияси атрофдаги вазиятни тўғри баҳолай олмайди, диққат ва эътиборни йўқотади. Кейинги вақтларда пиёдалар иштирокида юзага келаётган айрим йўл транспорт ҳодисаларининг сабабларидан бири ҳам шу билан бевосита боғлиқ. Буни йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳам алоҳида тилга олиб ўтишади.

**Ш**ифокор сифатида тавсиямиз, ташқи шовқиндан қутуламан, деб қулоқчинлардаги мусиқани баландлатманг, сокинликка одатланинг. Ишдан, ўқишдан сўнг мазмунли дам олишга интилинг. Имкони борича сўлим хиёбонларда, табиат қўйнида, сув бўйларида сайр қилинг. Руҳингизга енгиллик беринг. Қолаверса, чекувчиларга алоҳида маслаҳатимиз, бу иллатни ташланг. Чунки чекиш ҳам узоқ муддатли шовқин таъсиридан сўнг эшитишнинг пасайиш хавфини икки баравар оширади.

**Улуғбек ҲАСАНОВ,**
**Тошкент тиббиёт академияси кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори.**

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 441 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5